

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

10-сон  
(198)  
2006 й.  
март

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

68. «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартномани (Москва, 2005 йил 14 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 мартағи ЎРҚ-20-сон Қонуни
69. «Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 7 мартағи ЎРҚ-21-сон Қонуни
70. «Ўзбекистон Республикасининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 7 мартағи ЎРҚ-22-сон Қонуни
71. «ГЎУОМ иштирокчи давлатларнинг консуллик масалалари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида Конвенцияни (Ялта, 2001 йил 7 июнь) денонсация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 9 мартағи ЎРҚ-23-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

72. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 мартағи ПҚ-297-сон қарори
73. «Йўл-куриши ишлари ҳажми ва сифати устидан назоратни кучайтириш чоратадблари ҳамда 2006 йилда автомобиль йўллари қурилиши дастурини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 мартағи ПҚ-299-сон қарори
74. «Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 6 мартағи ПҚ-300-сон қарори
75. «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартағи ПҚ-302-сон қарори [Кўчирма]
76. «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартағи ПҚ-303-сон қарори

*Учинчи бўлим*

- 
77. «Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошка шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартағи 38-сон қарори
- +

*Бешинчи бўлим*

78. «Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг 2006 йил 10 февралдаги 84-сон бўйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 марта 1550-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
79. «Тижорат банклари томонидан қимматли қофозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат мулки митаси хузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2006 йил 28 февралдаги 228-В-З, 2006-02-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 10 марта 1216-З-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 4 марта 10 марта гача бўлган маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

**68 Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартномани (Москва, 2005 йил 14 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2006 йил 27 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартнома (Москва, 2005 йил 14 ноябрь) ратификация қилинсин.

+

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 6 март,  
ЎРҚ-20-сон

-

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 7 марта эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

**69 Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилиш хақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2006 йил 9 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октября Шартномага ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённома (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 7 март,  
ЎРК-21-сон

+

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 8 марта эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

**70 Ўзбекистон Республикасининг Евросиё иқтисодий  
хамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 ок-  
тябрдаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Баённомани  
(Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилиш  
ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2006 йил 9 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 феврал-  
да маъкулланган

Ўзбекистон Республикасининг Евросиё иқтисодий хамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Баённома (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилинсан.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 7 март,  
ЎРҚ-22-сон

+

-

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 8 марта эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг Қонуни

**71 ГЎУОМ иштирокчи давлатларнинг консуллик масалалири бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида Конвенцияни (Ялта, 2001 йил 7 июнь) денонсация қилиш хақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2006 йил 27 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февральда маъқулланган

ГЎУОМ иштирокчи давлатларнинг консуллик масалалари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида Конвенция (Ялта, 2001 йил 7 июнь) денонсация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 9 март,  
ЎРК-23-сон

—

+

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 10 марта эълон қилинган.

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **72      Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида**

1. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида 2005 йил 26 октябрда Москва шаҳрида имзоланган фавқулодда вазиятларни бартариф этишга қўмаклашишда ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги Битим тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартибкоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.
3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари ижроси устидан назоратни таъминласинлар.
4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат килиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

+

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 3 март,  
ПҚ-297-сон

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **73      Ўйл-қурилиш ишлари ҳажми ва сифати устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари ҳамда 2006 йилда автомобиль йўллари қурилиши дастурини тасдиқлаш тўғрисида**

Замонавий халқаро талабларга жавоб берадиган автомобиль йўллари тармоғини янада ривожлантириш, транспорт коммуникациялари тизимининг халқаро транспорт коридорларига кенг интеграциялашувини таъминлаш, транспорт харажатларини қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш, умум фойдаланадиган автомобиль йўлларини лойихалаштириш, қуриш, таъмирлаш ва маблағ билан таъминлашга йўналтириладиган давлат молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш, шу-

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

нингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл фонди таркибини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Халқаро транспорт коридорлари таркибига кирувчи умум фойдаланадиган автомобиль йўлларини реконструкция қилиш, капитал ва ўртacha таъмирлаш ишларининг 2006 йилги Даствури 1-иловага\* мувофиқ;

республика ички вилоятлараро умум фойдаланадиган автомобиль йўлларини реконструкция қилиш, капитал ва ўртacha таъмирлаш ишларининг 2006 йилги Даствури 2-иловага\* мувофиқ;

2006 йилда вилоятлар ва туманлар ичидаги умум фойдаланадиган автомобиль йўлларини капитал ва жорий таъмирлашнинг ўргима параметрлари 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда буюртмачи, техник ва молиявий назорат ўрнатиш вазифаси:

халқаро транспорт коридорлари таркибига кирувчи умум фойдаланадиган автомобиль йўллари, республика ички вилоятлараро йўллар — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл фонди зиммасига;

вилоятлар ва туманлар ичидаги умум фойдаланадиган автомобиль йўллари — Корабалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари хузуридаги ягона буюртмачи хизматлари зиммасига юклансин.

Буюртмачилар бажарилган ишларни назорат қилиш ва қабул қилиб олишда қурилиш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш каби иш турлари бўйича лойиха-смета хужжатлари параметрлари ва уларнинг алоҳида пурратчи ташкилотлар бажарган ишлар ҳажми ва сифатига мос келиши аниқ кўрсатиладиган катъий тартибга риоя этсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, 4-иловага\*\* мувофиқ, Республика йўл фонди Ижроия дирекцияси таркибида даромадларни прогноз қилиш ва дастурларни молиялаштириш бошқармаси ҳамда халқаро, республика ички ва вилоятлараро умум фойдаланадиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш концепцияси ҳамда дастурларини амалга ошириш бошқармасини ташкил этган ҳолда унинг ташкилий тузилмаси бўйича таклифлари қабул қилинсан.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл фонди Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси, «Ўзавтойўл» ДАК, «Йўл-Лойиха бюроси» лойихалаш институти, Корабалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда 2007—2010 йилларда умум фойдаланадиган автомобиль йўлларини ривожлантириш концепцияси ва дастурини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

Мазкур хужжатни ишлаб чиқишида автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилишни ташкил этишининг устувор йўналишларини белгиловчи қўйидаги асосий мезонларга амал қилинсан:

а) йўл категорияси ва транспортда ташиш ҳажмларидан келиб чиқкан ҳолда, йўл тармоининг тегишли даражада ўтказиш қобилиятини талаб этадиган транспорт серқатновлиги;

б) йўллар ва мухандислик иншоотларининг замонавий халқаро талабаларга

\* 1—3-иловалар берилмайди.

\*\* 4-и洛ва рус тилидаги матнда берилган.

жавоб берадиган юксак техникавий даражасини таъминлаш асосида йўл ҳаракати хавфсизлиги ва ишончлилиги;

в) йўл қурилиши соҳасига замонавий технологияларни тадбиқ этиш, йўл категориясига қараб харажатларни оптималлаштириш ҳисобига автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилишга харажатларнинг нисбатан кам сарфланиши.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси ва «Ўзавтойўл» ДАК-нинг Автомобиль йўлларини реконструкция қилиш ва қурилишини амалга ошириш бўйича «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясига қарашли бирлашган дирекциясини тутагиши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

6. Умум фойдаланадиган автомобиль йўлларини, жумладан 2007—2010 йилларда ривожлантириш концепцияси ва дастурини тайёрлаш учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фондига ва «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясига ҳисобот берувчи «Йўл-Лойиха бюроси» лойихалаш институти зиммасига юклансин.

«Йўл-Лойиха бюроси» лойихалаш институти тузилмасида умум фойдаланадиган автомобиль йўлларини ривожлантириш концепцияси ва дастурини тайёрлаш бўйича бўлим ташкил этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси бир ой муддатда:

Республика йўл фондининг даромадларини шакллантириш ва унинг маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисида янги таҳрирдаги низомни, Автомобиль йўлларини лойихалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартиби тўғрисидаги низомни, Бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш ва қабул қилиб олиш тўғрисидаги низомни, шунингдек, умум фойдаланадиган автомобиль йўлларини таъмирлаш ва маблағ билан таъминлаш бўйича ишлар Таснифини тасдиқласин;

+ —  
тармоқда хусусийлаштириш жараёнлари чукурлашувини ҳисобга олган ҳолда «Ўзавтойўл» ДАК ташкилий тузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, эксплуатация ва пурдат ташкилотларни оптималлаштириш бўйича таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манбаатдор идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда уч ой муддатда республика автомобиль йўллари тизимини ривожлантиришнинг замонавий босқичи талабларидан, автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланишини ташкил этишнинг ҳалқаро тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда «Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари тўғрисида» янги таҳрирдаги Конуни лойихасини ишлаб чиқсин ва киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги:

15,0 млрд. сўм миқдордаги Республика йўл фонди даромадларини 2006 йилда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастурини молиялаштириш учун Мактаб таълими жамғармасига йўналтирсин;

Республика йўл фонди даромад қисмининг амалий ижроси бўйича ҳар чорак якунларига кўра прогноз қилингандан ортиқ тушумлардан фойдаланиш бўйича таклифлар киритсин.

10. «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Инвестиция дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги ПҚ-216-сон қарорининг 4-иловасига 2006 йилда автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш учун марказлаштирилган капитал маблағларнинг лимитларини ҳисобга олган ҳолда 5-иловага\* мувофиқ тегишли ўзгартишлар киритилсин.

\* 5-илова берилмайди.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 3 март,  
ПҚ-299-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**74 Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чоратадбирлари тўғрисида» 2006 йил 23 февралдаги ПФ-3722-сон Фармонига мувофиқ ҳамда истеъмол товарлари улгуржи савдосини ташкил этишни такомиллаштириш мақсадида:

1. Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси ташкилий тузилмаси ва унинг ижроия аппарати тузилмаси 1-2 иловаларга\* мувофиқ маъқуллансин.

2. Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси ва республика улгуржи база-контораларини шакллантириш билан боғлик бўлган тадбирлар комплексини амалга ошириш бўйича Maxsus комиссия З-иловага\*\* мувофиқ таркибда тузилсин.

Maxsus комиссия (Ш.М. Мирзиёев):

бир хафта муддатда Улгуржи савдо корхоналари уюшмасининг таъсис йиғилиши ўтказилишини, Таъсис шартномаси ва Уюшма Низоми тайёрланиши ва қабул қилиниши ташкил этилишини;

бир ой муддатда республика ихтисослаштирилган улгуржи база-контораларини ташкил қилиш ва уларнинг амалий фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ташкилий тадбирлар амалга оширилишини;

республика ихтисослаштирилган улгуржи база-контораларининг худудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базаларини шакллантиришда, шунингдек, уларга юкланган вазифаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатилишини;

«Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари ва «Савдо» худудий акциядорлик компанияларини тугатиш билан боғлик барча масалаларни ҳал этиш назорат қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига:

республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари, шунингдек уларнинг худудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базаларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

мазкур база-конторалари, уларнинг худудий базалари, шунингдек вилоятлар

\* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

\*\* 3-илова берилмайди.

«Матлуботсавдо» акциядорлик компанияларига истеъмол товарлари улгуржи савдосини амалга ошириш хукукини берувчи лицензиялар топшириш вазифаси юклансин.

4. Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари, худудий базалар ва вилоятлар «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниялари ўртасида улгуржи савдони амалга оширишга рухсат берилсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Улгуржи савдо корхоналари уюшмасини Тошкент шаҳар, Навоий кӯчаси, 25-йайдаги тугатилаётган «Ўзбексавдо» АК биносига жойлаштирасин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда бир ой муддатда конун хужжатларига ушбу карордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур карорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 6 март,  
ПҚ-300-сон

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **75 Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

### **[Кўчирма]**

Республика божхона органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, божхона комплекслари ва постларида божхонага оид конун хужжатларига риоя этиш устидан назоратни кучайтириш, шунингдек божхона органлари хизматига қабул қилиш ва уни ўташ тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси марказий аппаратининг ходимлар умумий чекланган сони 200 кишидан иборат бўлган тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси марказий аппаратининг кадрлар бош бошқармаси таркибида штатлар сони 15 кишидан иборат бўлган божхона комплекслари ва постларини инспекция қилиш бошқармаси ташкил этилсин.

Кўйидагилар божхона комплекслари ва постларини инспекция қилиш бошқармаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

\* 1-илова берилмайди.

божхона комплекслари ва постлари шахсий таркиби томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган қоидабузарликларнинг олдини олишга, ўз хизмат вазифаларини бажариш учун ҳар бир ходимнинг шахсий жавобгарлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан олиб ўтиладиган юклар ва транспорт воситаларини рўйхатга олиш, кўздан кечириш, божхонада расмийлаштириш ҳамда божхона назорати остида етказиб бериш тартиб-коидаларига риоя этиш бўйича божхона комплекслари ва постлари зиммасига юклangan вазифалар сўзсиз бажарилишини назорат қилиш;

божхона комплекслари ва постлари ходимларининг касбий билим савиясини баҳолаш, уларнинг малакасини ошириш чораларини кўриш;

божхона комплекслари ва постларининг малакали ҳамда ҳалол мутахассислар билан тўлдирилганлигини ўрганиш ва бунинг учун номзодларни танлаш.

3. Божхона органлари бошлиқлар таркибининг мансабдор шахсларини аттестациядан ўтказиш бўйича Аттестация комиссияси 2-иловага\* мувофиқ таркибда тузиленсин.

Аттестация комиссияси 2006 йилнинг 1 майига қадар муддатда, кейинчалик эса ҳар йили марказий аппарат бош бошқармалари, бошқармалари бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари, худудий божхона бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари аттестациядан ўтказилишини таъминласин.

#### 4. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларини тенг лавозимларга ўтказиш (алмаштириш) тўғрисидаги низом 3-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг лавозимлар номенклатураси 4-иловага\* мувофиқ тасдиqlасин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон божхона органлари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиqlасин ва:

божхона комплекслари ва постлари раҳбарларининг ҳар йили аттестациядан ўтказилишини;

божхона органларининг ходимлари юкори лавозимга тайинланганида ва навбатдаги маҳсус унвонлар берилганида уларнинг муддатидан илгари аттестациядан ўтказилишини таъминласин.

#### 7. Қўйидагилар белгилансан:

божхона комплекслари ва постларининг бошлиқлари лавозимга Давлат божхона қўмитаси раиси томонидан тайинланади;

божхона комплекслари ва постларининг раҳбарлари ҳар икки-уч йилда алмаштириб турилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси 2006 йилнинг 15 априлигача муддатда ягона ахборот тизимидан, шунингдек божхона идентификацияси воситаларидан фойдаланган ҳолда, товарлар ва транспорт воситаларининг транзит бўйича божхона пости орқали олиб кирилишини назорат қилиш ҳамда олиб чиқиб кетилишини божхона постида такроран текшириш тизимини жорий этишни таъминласин.

Республика худудидан чиқиб кетиш чоғида транзит товарларнинг этишмаёттганлиги аниқланган ҳолларда божхона органларининг айбдор бўлган мансабдор шахслари амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортилсин.

\* 2—4-иловалар берилмайди.

10. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2006 йилнинг 1 июнидан бошлаб божхона комплекслари ва постлари ягона ахборот тизими режимида фаолият кўрсатишини таъминласин, бунда божхона назорати остида бўлган товарлар бўйича ахборотни йиғиш, сақлаш, ишлаб чиқиш технологик жараёнларининг автоматлаштирилиши, шунингдек реал вакт миқёсида маълумотлар ягона базасига тезкорлик билан кирилиши эътиборга олинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

бир хафта муддатда божхона комплекслари ва постларини инспекция қилиш бошқармаси тўғрисидаги низомни, шунингдек божхона комплекслари ва постлари ходимларига нисбатан қўйиладиган янги лавозим талабларини тасдиқласин;

божхона комплекслари ва постларини инспекция қилиш бошқармасининг шахсий таркибини касб маҳорати юқори даражада ва ишга ҳалол муносабатда бўладиган малакали ва билимли мутахассислар билан таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтилаётганда кўздан кечириш мажбурий бўлган товарлар рўйхатини тасдиқласин, бунда барча турдаги товарларнинг камидан 50 фоизини камраб олиш назарда тутилсин.

13. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1997 йил 30 июлдаги 374-сон қарорининг 1а-иловаси;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларини тенг лавозимларга ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 21 июлдаги 321-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Ш. Шамшиев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 9 март,  
ПҚ-302-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **76      Автомобил транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида**

Автомобил транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини тартибга солиш, фуқароларнинг ҳёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда транспорт хизматлари сифатини ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки, автомобил транспортида йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, ҳалқаро йўналишларда тижорат асосида ташиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари 2006 йилнинг 1 июнига кадар автомобил транспортида шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, ҳалқаро йўналишларда йўловчилар ташиш фаолиятини юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириш истагини билдирган якка тартибдаги тадбиркорларни босқичма-босқич қайта рўйхатдан ўтказишни таъминласин.

Мазкур қарор қабул қилинмасдан олдин рўйхатдан ўтган ва автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти учун лицензия олган якка тартибдаги тадбиркорлар ўз фаолиятларини аввал олинган лицензияга мувофиқ 2006 йилнинг 1 июнигача амалга оширишлари маълумот учун қабул қилинсин.

3. Белгилансинки, якка тартибдаги тадбиркорлар лицензиясининг муддати ўтмаган қисмига тўғри келадиган давлат божи суммаси ушбу тадбиркорлар томонидан тузиладиган юридик шахс — йўловчилар ташувчининг лицензия (лицензия карточкалари)ни олиш вақтида тўланиши лозим бўлган давлат божи хисобига қўшилиши мумкин ёки белгиланган тартибда қайтарилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан биргаликда бир хафта муддатда автомобиль транспортида йўловчилар ташиш билан шуғулланишга лицензия олишда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланган давлат божини қайтариш ёки ҳисобга қўшиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тайёрлашда, лицензия талабларида автотранспорт воситалари ҳар йили техник кўриқдан ўтганини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиш мажбурийлигини кўзда тутсин.

5. Истисно тарикасида, тегишли лицензияга мувофиқ йўловчиларни тижорат асосида ташишга ихтисослашган юридик шахс — корхонага жисмоний шахслар томонидан сотиладиган ва қўшиладиган автотранспорт воситалари учун юридик шахслар Республика йўл фондига мажбурий йиғимлар тўлашдан 2006 йилнинг 1 июнига кадар озод этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирлеклар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 9 март,  
ПҚ-303-сон

+

-

## учинчи бўлим

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

**77** Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни ҳамда уларни расмийлаштиришни янада тартибиға солиши, автомототранспорт воситалари билан битишувларни содир этишдә фукаролар ва юридик шахсларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш ва хукуқ-тартиботни мустаҳкамлаш чора-тад-бирларини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласиди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги раҳбариятига автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар ва битишувларни расмийлаштиришнинг белгиланган тартибини таъминлаш, белгиланган қоидаларга сўзсиз риоя этилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

Белгиланган тартиб бузилиши аникланган тақдирда айбор мансабдор шахслар жавобгарликка, зарур ҳолларда жиной жавобгарликкача тортилсун, нотариуслар эса лицензиядан ҳам маҳрум қилинсун.

2. Белгилансинки, 2006 йил 1 июлдан бошлаб:

автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни башка шахсга бериш (олди-сотди, айирбошлаш, хадя) ва ижарага бериш шартномаларини нотариуслар томонидан нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қатый хисобда туралдиган, химоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва худудий кодга эга бўлган, «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланадиган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади;

нотариал тартибда тасдиқланган бошқа шахсга бериш шартномалари рўйхатдан ўтказилиши, ишончномалар ва ижарага бериш шартномалари эса — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида ҳисобга қўйилиши керак.

3. Белгилаб қўйилсинки, автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш хукуқига олдин берилган ишончномалар мазкур қарорга мувофика улар амал қилишининг қолган муддатига қайта расмийлаштирилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Йчки ишлар вазирлиги кўрсатиб ўтилган ишончномалар 2007 йил 1 январгача давлат божи ундирилмасдан қайта расмийлаштирилишини таъминласинлар.

Ишончномалар қайта расмийлаштириш учун тақдим этилмаган тақдирда 2007 йил 1 январдан бошлаб хакикий эмас деб хисобланади.

4. Автомотортранспорт воситалари билан боғлик ишончномаларни, уларни бошка шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш тартиби түғри-сидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансинг.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг **ДИҲХХ** органлари ай-  
дор шахсларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортган ва уларни транспорт

воситасини бошқаришдан вақтинга четлатган ҳолда автомобиль эгалари томонидан автомототранспорт воситаларини расмийлаштириш тартибига риоя этилиши устидан тегишли назоратни амалга оширсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва иодаралар билан биргаликда бир ой муддатда:

конун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;

идоравий норматив хужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Б. Мустафоев ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Б. Матлюбов зиммасига юклансин.

### **Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 7 март,  
38-сон

Вазирлар Махкамасининг  
2006 йил 7 марта 38-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

1. Мазкур Низом автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя) ва ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомнинг амал қилиши:

юридик шахслар томонидан мазкур юридик шахсларнинг ходимларига автотранспорт воситаларидан фойдаланишга ишончномалар берилиши ҳолларига;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфисизлиги хизмати органларида (кейинги ўринларда ДИҲХХ деб аталади) рўйхатдан ўтказилмайдиган транспорт воситаларига татбиқ этилмайди.

3. Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсга бериш (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя) ва ижарага бериш шартномалари нотариуслар томонидан нотариал тартибда тасдиqlаниши керак. Автомототранспорт воситаларини:

ихтисослаштирилган савдо корхоналари (автомототранспортни ишлаб чиқарувчи корхоналар, уларнинг вакиллари ва воситачи (дистрибуторлик) ташкилотлар);

Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳудудий бўлимлари суд ижрочиларининг туман (шахар) бўлимлари суд ижрочилари томонидан сотиш ҳоллари бундан мустасно.

«Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш хуқуқига ишонч-

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.*

номалар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари консуллари томонидан ҳам тасдиқланади.

4. Ўзбекистон Республикаси худудига бошқа давлатлардан олиб келинган автомототранспорт воситаларига ишончномалар бериш, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш улар божхона органларида расмийлаштирилгандан ва ДИХХХ органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин амалга оширилади.

5. ДИХХХ органларида рўйхатдан ўтмаган автомототранспорт воситаларининг бозорларда олди-сотдиси ва айирбошланиши, шунингдек автомототранспорт воситаларини биржалар орқали сотиш тақиқланади.

18 ёшга тўлмаган шахсларга автотранспорт воситалари, 16 ёшга тўлмаган шахсларга мототранспорт воситалари ишончномаларини, бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини расмийлаштиришга йўл қўйилмайди, лотерея ва бошқа оммавий ўйинларнинг ютуклари бўлган, қонунда белгиланган тартибда мерос қилиб олинган автомототранспорт воситалари бундан мустасно.

6. Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш мазкур Низомда белгиланган хусусиятлар хисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига, бошқа норматив-хукуқий хужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

7. Нотариуслар томонидан автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш хукуқи билан боғлиқ ишончномаларни, бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини тасдиқлаш бошқа шахсга бериш тақиқланмаганлиги ва хатлаб қўйилмаганлиги текширилгандан кейин амалга оширилади.

— +  
Нотариуслар томонидан бошқа шахсга бериш шартномалари тасдиқлангунга қадар автомототранспорт воситалари автомототранспорт воситаси рўйхатга олинган жойдаги ёки битим содир этилган (сотиб олувчининг танловига кўра) жойдаги ДИХХХ органларида агрегатлар рақамлари рўйхатдан ўтказиш рақамларига мувофиқлиги юзасидан кўздан кечирилиши керак. Агрегатлар рақамларининг рўйхатдан ўтказиш рақамларига мувофиқлиги кўздан кечирган мансабдор шахснинг фамилияси хамда исми ва отаси исмининг бош харфлари, кўздан кечирилган сана кўрсатилган ва мансабдор шахс имзоси қўйилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш хужжатидаги штамп билан тасдиқланади. Штамп 10 кун мобайнида амал қиласди.

Автомототранспорт воситаси кўздан кечирилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

8. Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш факат катъий хисобда турадиган, химоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва худудий кодга эга бўлган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади. Бунда ишончнома бўйича ишончли шахсга, бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича сотиб олувчига ва ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага олувчига берилиши керак бўлган биринчи нусха гербли (махсус) бланкада расмийлаштирилади. Агар ишончнома биттадан ортиқ ишончли шахсга берилган тақдирда, у ишончли шахслар сони бўйича гербли (махсус) бланкада расмийлаштирилади. Колган нусхаларда гербли (махсус) бланканинг серияси, тартиб рақами ва худудий коди кўрсатилади.

Гербли бланкаларни хисобга олиш, сақлаш, сарфлаш ва улар бўйича хисобот бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Консуллик муассасалари ишончномаларнинг гербли (махсус) бланкалари билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан таъминланади.

9. Гербли (махсус) бланкалардаги ишончномалар ва шартномалар нотариал тар-

тибда тасдиқланганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида герб йиғими ундирилади.

Герб йиғими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ихтиёрида қолади ва гербли бланкалар тайёрлашга ҳамда бошқа шахсга бериш тақиқланган ва хатлаб қўйилган автомототранспорт воситалари тўғрисидаги электрон маълумотлар банкини яратишга, шунингдек давлат нотариал идораларининг моддий-техника базасини мустахкамлашга мақсадли тартибда сарфланади.

Гербли (маҳсус) бланкалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланади.

10. Нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш шартномалари, шунингдек автотранспорт воситаларини ихтисослаштирилган савдо корхоналари ва кимошди савдолари орқали сотиш шартномаси (баённома) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, уларнинг хисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш ишларини тартибга солиш ҳақида» 1997 йил 26 майдаги 256-сон қарорига мувофиқ бир вактнинг ўзида автотранспорт воситасини рўйхатдан ўтказган ва хисобдан чиқарган ҳолда сотиб олувчининг яшаш жойидаги (турган жойидаги) ДИҲХХ органларида рўйхатдан ўтказилиши керак.

Автотранспорт воситаларини 18 ёшга тўлмаган шахсларга, мототранспорт воситаларини 16 ёшга тўлмаган шахсларга истисно тариқасида рўйхатдан ўтказиша рўйхатдан ўтказиш гувохномаси ушбу шахсларга расмийлаштирилади, гувохномага ва автотранспорт воситаларини рўйхатга олиш карточкасига: «Транспорт воситаси эгаси 18 (16) ёшга тўлгунга қадар васийлик ва ҳомийлик органларининг ёки уларнинг қонуний вакилларининг (ота-оналари, фарзандликка олувчилик ва ҳомийлар)-нинг руҳсатисиз бошқа шахсга бериш шартномалари, ишончномалар бериш ва ижарага бериш шартномаси тузиш тақиқланади» деган ёзув киритилади.

Нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар ва уларни ижарага бериш шартномалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда автомототранспорт воситаси рўйхатга олинган жойдаги ДИҲХХ органларида хисобга қўйилиши керак. Хисобга қўйиш тўлов ундирилмасдан амалга оширилади.

11. Нотариуслар томонидан тасдиқланган автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномалари нотариал тартибда тасдиқланган пайтдан бошлаб 10 кун мобайнида ДИҲХХ органларида рўйхатга олиш (хисобга қўйиш) учун тақдим этилади.

ДИҲХХ органлари тегишли нотариал идоралардан уларга нисбатан ишончномалар ва шартномалар тасдиқланган автомототранспорт воситаларига тегишли тезкор маълумотларни олиш йўли билан автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномалари автомобиль эгалари (ижарага олувчилик ва ишончли шахслар) томонидан ДИҲХХ органларида ўз вақтида рўйхатдан ўтказилиши (хисобга қўйилиши) бўйича талабларга риоя килиниши устидан назоратни амалга оширади.

Автомототранспорт воситаларини мазкур банд талабларини бузган ҳолда бошқариш қонун хужжатларига мувофиқ ҳайдовчилар транспорт воситасини бошқаришдан вақтинча четлатилган ҳолда уларни маъмурий жавобгарликка тортишга олиб келади.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан гербли бланкалар бўйича хар ойлик хисобот юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги йилнинг хар чорагида тасдиқланган автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномалари бўйича таққослаш ўтказади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат нотариал идораларида автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш ва тақиқланганлиги ва хатлаб кўйилганлиги тўғрисидаги маълумотлар банки (хужжатли) шакллантирилишини таъминлайди. Маълумотлар банкини шакллантирадиган давлат нотариал идоралари рўйхати тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан ДИХХХ органлари билан биргаликда қўшимча равишида тегишли ҳудуд бўйича бошқа шахсга бериш тақиқланган ва хатлаб кўйилган автомототранспорт воситалари тўғрисидаги электрон маълумотлар банки юритилади.

Автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш тақиқланиши ва тақиқ олиб ташланиши, шунингдек бошқа шахсга бериш тақиқланган ва хатлаб кўйилган автомототранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар банкини шакллантириш тартиби бошқа манфаатдор идоралар билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда тасдиқланади.

13. Мазкур Низомни бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда мазкур Низом талабларини тушунтириш ва автомототранспорт воситалари эгалари эътиборига етказиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

15. Мазкур Низом 2006 йил 1 июлдан бошлаб кучга киради.

+

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**78 Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
6 марта 1550-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 16 марта кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисида ги низомга мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 13 январдаги 07/817-сон ўғилиш Баёнини ижро этиш мақсадида **буюраман**:

- + 1. «Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисида»ги низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.
- 2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.
- 3. Мазкур Низом кучга киритилгач, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси хайъатининг 2003 йил 27 сентябрдаги 12/7-сон «Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (2003 йил 28 ноябрь, рўйхат рақами 1286) ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

**Маданият ва спорт ишлари вазири А. АЗИЗХЎЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 10 февраль,  
84-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ДАВЛАТ МУЛКИ ҚўМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОФОЗЛАР  
БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ  
МАРКАЗИННИГ  
ҶАРОРИ

**79 Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни  
чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор  
қилиш) тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшим-  
чалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил  
10 марта 1216-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2006 йил 20 марта кунчага киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида» ва «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида» қонунларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-56-сонли қарорини ва 2005 йил 14 июндаги «Бозор ислохотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор ўйналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-3618-сонли Фармонини ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк Бошқаруви ва Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази **қарор қила-  
дилар**:

1. Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисида низомга (2003 йил 12 февраль, рўйхат раками 1216-сон — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, февраль, 3-сон) иловага\* мувофиқ ўзгарттириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилга кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 28 февраль,  
228-B-3

**Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва  
назорат қилиш маркази бош директори М. ЮНУСМАТОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 28 февраль,  
2006-02

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги маълум қилади:  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг  
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат  
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида  
2006 йил 4 марта 10 марта гача бўлган маълумот**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси *Маданият ва спорт ишлари вазирининг 2006 йил 10 февралдаги 84-сон буйруғи.*

*2006 йил 6 марта 1550-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 16 марта гача киради).*

2. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисида низомга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси *Марказий банки Бошиқаруви, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириши ва назорат қилиши марказининг 2006 йил 28 февралдаги 228-В-3, 2006-02-сон қарори.*

*2006 йил 10 марта 1216-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 20 марта гача киради).*

+

-

—

+